

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИНОЛАРИ

ШНҚ 2.09.02-2019

Расмий нашр

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ 2020

ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИНОЛАРИ

ШНК 2.09.02 – 2019

Расмий нашр

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

Тошкент 2019

**ШНҚ 2.09.02-19 “Ишлаб чиқариш бинолари” Ўзбекистон Республикаси
Курилиш вазирлиги – Тошкент, 2019 й.**

ИШЛАБ ЧИҚДИ ВА КИРИТДИ: “Ўзғирсаноатлойиха” АЖ В.А.Макаров –
мавзу рахбари, В.В.Кожарин, А.И.Кожарин, А.Ю.Аюбжанов, Ш.А.Янгалиев.

МУҲАРРИРЛАР: Ш.С.Хидоятов, Б.С.Садиков (ЎзР. Курилиш вазирлиги),
В.В.Кожарин (“Ўзғирсаноатлойиха” АЖ).

ТАСДИҚЛАШГА ТАЙЁРЛАДИ: Техник меъёrlаш, янги технологияларни
жорий этиш бошқармаси (Ж.И.Балтаев).

ТАСДИҚЛАНДИ: ЎзР. Курилиш вазирлигининг 2019 йил 15 октябрдаги
480-сонли буйруғи билан.

ШНҚ 2.09.02-19 «Ишлаб чиқариш бинолари» кучга киритилиши билан
Ўзбекистон Республикаси худудида СНиП 2.09.02-85* ўз кучини йўқотади.

Мазкур ҳужжат расмий нашр сифатида Ўзбекистон Республикаси
Курилиш вазирлиги рухсатисиз тўла ёки қисман чоп этилиши,
кўпайтирилиши ва тарқатилиши мумкин эмас.

© Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

ШНҚ 2.09.02-19

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИНОЛАРИ

Производственные здания

Production buildings

Амалга киритиш муддати 2020-15-01

1. ҚҰЛЛАНИШ СОҲАСИ

1.1 Ушбу нормалар ва қоидаларга ишлаб чиқариш ва лаборатория бинолари, ишлаб чиқариш ва лаборатория хоналари, устахоналар, функционал ёнғин хавфлилиги Ф5.1 классига мансуб, шу жумладан ёнғин хавфлилиги бүйича функционаллиги бошқа бўлган биноларга кўшиб қурилган қурилмалар яратилиши ва ишлатилишининг барча босқичларида риоя этилиши шарт.

1.2 Мазкур нормалар портловчи моддалар ва портлаш воситаларини ишлаб чиқариш ва сақлаш хоналари, ҳарбий мақсадлар учун мўлжалланган бино ва иншоотлар, метрополитеннинг ер ости иншоотларига ҳамда кон қазилмаларига татбиқ этилмайди.

1.3 Корхоналарда ногиронлар меҳнатидан фойдаланиш имконияти назарда тутилган ҳолларда ушбу нормаларнинг тегишли бандларида қайд этилган ногиронликнинг турига кўра кўшимча талабларга риоя этилиши лозим.

1.4 Корхоналарда ногиронлар меҳнатидан фойдаланиш учун маҳсус цехлар (участкалар) барпо этилганда, Ўзбекистоннинг санитария қоидалари ва ШНҚ 2.07.02 дан ҳам фойдаланишга йўл қўйилади. А ва Б категорияли хоналарда жойлаштириладиган бу каби цехларни (участкаларни) барпо этилишига йўл қўйилмайди.

1.5 Ишлаб чиқариш биноларининг маъмурий ва майший хоналари ШНҚ 2.09.04 га мувофиқ ва ШНҚ 2.07.02 талабларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши лозим.

2. НОРМАТИВ ҲАВОЛАЛАР

Ушбу нормаларда қуйидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалардан фойдаланилди:

ШНҚ 1.01.01-09 Қурилишда норматив ҳужжатлар тизими. Асосий қоидалар.

ШНҚ (ҚМҚ) 1.01.04-98 Архитектура-қурилиш терминологияси.

ШНҚ (ҚМҚ) 2.01.01-94 Лойихалаш учун иқлимий ва физик-геологик маълумотлар.

ШНҚ (ҚМҚ) 2.01.02-04 Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги.

ШНҚ 2.01.02-04 “Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги”га Ёнғин тарқалишини олдини олиш бўйича услубий тавсиялар.

ШНҚ (ҚМҚ) 2.01.04-96* Сейсмик ҳудудларда қурилиш (1-ўзгариш билан).

ШНҚ (ҚМҚ) 2.01.04-97* Қурилиш иссиқлик техникаси (2-ўзгариш билан).

ШНҚ (ҚМҚ) 2.04.02-97 Сув таъминоти. Ташки тармоклар ва иншоотлар.

ШНҚ 2.04.05-97 Иссиқлик тизими, вентиляция ва совутиш тизими.

ШНҚ (ҚМҚ) 2.01.05-98 Табиий ва сунъий ёритилганлик (2-ўзгариш билан).

ШНҚ (ҚМҚ) 2.01.07-96 Юкламалар ва таъсирлар.

ШНҚ (ҚМҚ) 2.01.09-97 Ўта чўкувчан грунтларда ва ер ости ишловдаги ҳудудларда бино ва иншоотлар.

ШНҚ (ҚМҚ) 2.01.18-2000* Бино ва иншоотларнинг иссиқлик тизими, вентиляция ва совутиш тизимида энергия сарфи нормативлари (2-ўзгариш билан).

ШНҚ 2.01.19-2009 Хоналар, бинолар ва ташки қурилмаларни портлаш-ёнғин ва ёнғин хавфсизлиги бўйича категорияларини аниқлаш.

ШНҚ (ҚМҚ) 2.03.10-95* Томлар ва томқопламалар (2-ўзгариш билан).

ШНҚ (ҚМҚ) 2.03.13-97 Поллар.

ШНҚ (ҚМҚ) 2.04.01-98 Бинонинг ички сув қувури ва канализацияси. (1-ўзгариш билан).

ШНҚ (ҚМҚ) 2.04.05-97* Иситиш тизими, вентиляция ва совутиш тизими. (2-ўзгариш билан).

ШНҚ 2.04.09-07 Бино ва иншоотларнинг ёнғин автоматикаси.

ШНҚ 2.07.02-07 Инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти муҳитини ногиронлар эҳтиёжлари ва аҳолининг кам ҳаракатланувчи гурухларини ҳисобга олган ҳолда лойихалаш (1-ўзгариш билан).

ШНҚ 2.09.04-09 Корхоналарнинг маъмурий ва майший бинолари.

ШНҚ 2.09.12-09 Омборхона бинолари.

Қурилиш иссиқлик техникасига оид янги энерготежкамкор ечимларни лойихалаш бўйича ҚМҚ 2.01.04-97 га қўлланма.

Энергия самарадор биноларнинг томлари ва том қопламаларини лойихалаш бўйича ҚМҚ 2.03.10-95*га қўлланма

Иссиқлик тизими, вентиляция ва совутиш тизими бўйича янги энерготежкамкор ечимларни лойихалаш бўйича ҚМҚ 2.04.05-97*га қўлланма.

ГОСТ 12.1.033-81 МХСТ Ёнғин хавфсизлиги Атамалар ва таърифлар.

ГОСТ 25957-83. Мобиль (инвентарь) бино ва иншоотлар Классификациялаш. Атамалар ва таърифлар.

ГОСТ 14202-69 “Саноат корхоналарининг қувур ўтказгичлари. Танитувчи бўёқлар, огохлантирувчи белги ва маркалайдиган шчитлар”

ГОСТ Р 12.4.026-2001* МХСТ. “Сигнал ранглари, хавфсизлик белгилари ва сигнал ишоралари. Кўллаш мақсадлари ва қоидалари. Умумий техник талаблар ва тавсифлар. Синаш усуслари”

ГОСТ 25772-83* “Зина, балкон ва томларни пўлат тўсиқлар билан ўраш. Умумий техник шартлар”

СН181-70 Саноат корхоналари ишлаб чиқариш биноларининг интеръерларига рангли пардоз беришни лойиҳалаштириш бўйича кўрсатмалар.

3. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

Ушбу нормаларда қўйидаги атамалар ва таърифлар қабул қилинган:

Антресоль – турли мақсадлар (ишлаб чиқариш, маъмурий-маший ёки муҳандислик ускуналари) учун мўлжалланган хоналар жойлаштирилган бино ичидағи майдон.

Бир қаватли ишлаб чиқариш биносидағи қўшимча қурилма (қўшиб қурилган қурилма) – бир қаватли бинонинг чегараси доирасида бутун баландлиги ва кенглиги бўйича (қўшимча қурилган) ёки баландлиги ва кенглигининг бир қисмига жойлашган (қўшиб қурилган қурилма), тўсиқли конструкциялар билан ажратилган бинонинг икки ёки кўп қаватли қисми.

Бинонинг муҳандислик ускуналари – суюқлик, газ ва электрэнергия етказиб бериш ва чиқаришни таъминлаб берувчи асбоблар, аппаратлар, машина ва коммуникациялар (сув қувурлари, газ, иссиқлик, электр, канализация, вентиляция ускуналари) тизими.

Мобиљ (инвентарь) бино ёки иншоот – ГОСТ 25957 га қаранг.

Майдонча – ускуналарни ўрнатиш, хизмат кўрсатиш ёки таъмирлашга мўлжалланган, ўз таянчларига, бино конструкцияларига ёки ускуналарига суюниб турадиган, бинонинг ичидаги ташқарисида жойлашган бир ярусли иншоот (деворларсиз).

Бино қаватлари – агар бостирмасининг усти ернинг ўртача режавий белгисидан 2 м дан кам бўлмаган барча ер усти қаватлари, техник ва цоколларни ҳисобга олган ҳолдаги бинонинг қаватлар сони.

Ер усти қавати – хона полининг белгиси ернинг режавий белгисидан паст бўлмаган қават.

Ертўла қавати – хона полининг белгиси ернинг режавий белгисидан бино баландлигининг ярмидан пастроғидаги қават.

Цокол қавати – хона полининг белгиси ернинг режавий белгисидан хона баландлигининг ярмидан кўп бўлмаган қуйи қават.

Техник қават – муҳандислик ускуналарни жойлаштириш учун бинонинг пастки (техник ертўла), юқори (техник чордоқ) ёки ўрта қисмida жойлашган қават.

Этажерка – бино ичидаги ташқарисида эркин ҳолда турувчи, технологик ва бошқа ускуналарни жойлаштириш ва уларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган кўп поғонали каркасли иншоот (деворларсиз).

Фонарь – ишлаб чиқариш хоналарини ҳаво алмашиши (аэрацияси) ва (ёки) юқоридан табий ёритилиши мақсадида, одатда, бинонинг устига солинган, ойнабанд кўринишдаги бино бостирмасининг қисми.

Ушбу нормаларда шунингдек, ГОСТ 12.1.033 да келтирилган атама ва таърифлардан фойдаланилди.

4. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

4.1 Ушбу норма ва қоидалардаги ёнғин хавфсизлиги талаблари ШНҚ 2.01.02 да қабул қилинган қоида ва классификацияларга асосланган.

4.2 Портлаш-ёнғин ва ёнғин хавфлилиги бўйича хона ва бинолар мос равища А, Б, В1-В4, Г, Д тоифаларга ва уларда жойлашган технологик жараёнлар ва мавжуд бўлган (ишлатилаётган) ёки сакланаётган модда ва материаллар, маҳсулотлар, хомашё ва уларни жойлашишга қараб мос равища А,Б,В,Г,Д тоифаларга бўлинади. Бино ва хоналарнинг тоифалари ШНҚ 2.01.19-09 га мувофиқ бажарилган ҳисоб-китобларга мувофиқ лойиҳанинг технологик қисмida белгиланади.

4.3 Ёнғин ўчириш автоматик қурилмаси, автоматик ёнғин сигнализацияси, ёнғин тўғрисида хабар бериш тизимлари амалдаги норматив ҳужжатлар, шунингдек белгиланган тартибда тасдиқланган маҳсус рўйхат талабларига мувофиқ кўзда тутилиши лозим.

4.4 Бинони лойиҳалаштиришда қуйидаги талабларни инобатга олиш зарур:

ишлаётган одамлар учун зарур санитария-гигиена шароитларининг таъминланиши;

ушбу ишлаб чиқаришни ташкил қилишга имкон қадар кўмаклашиши;

компановка (тузилмаси) бўйича имкон қадар содда бўлиши;

курилишнинг тежамлилигига кўмаклашиши;

эксплуатация жараёнида ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришда технологик ускуналарни жойлашувини ўзгартириш имконияти назарда тутилиши;

этика талабларини корхона бино ва иншоотларининг барча меъморий комплекси билан боғлиқ ҳолда қондириш;

курилишнинг зичлигини оширишга ва ихчам бўлишига ёрдам берувчи бирлаштириш (блокировка) йўли билан бир том остидаги ишлаб чиқариш цехларини, шунингдек ёрдамчи хоналарни оқилона бирлаштириш;

турли қаватдаги (баландликдаги) биноларда ишлаб чиқаришни жойлаштириш варианtlарининг техник-иктисодий кўрсаткичлари натижаларига кўра ва юқори даражадаги меъморий ечимларини таъминланишини ҳисобга олган ҳолда бино баландлигини 7.1-бандда ўрнатилган чегара доирасида қабул қилиш;

ташқи тўсиқ конструкцияларининг майдонини қисқаришини ҳисобга олган ҳолда бинонинг ҳажмий-режавий ечимларини қабул қилиш;

5.10-банднинг талабларини инобатга олган ҳолда табий ва сунъий ёритиш лойихалари нормаларига мувофиқ ёруғлик дарчалари майдонларини қабул қилиш;

агар технологик шартлар, санитария-гигиена талаблари ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлса, биноларни ёруғлик дарчаларисиз қабул қилиш;

асосан заводда ишлаб чиқилган комплект-блок типидаги бино, иншоотлар ва яхлитланган муҳандислик ва технологик ускуналар блокларини кўллаш;

фаол тебранувчи ускуналар ёки ташки тебраниш манбаларининг қурилиш конструкциялари, технологик жараёнлар ва ишчиларга бўлган динамик таъсирини камайтириш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда хажмий-режавий ечимларни ишлаб чиқиш.

4.5 Биноларнинг меъморий ечимларини шахарсозлик, қурилиш худудининг иқлим шароитлари ва ён-атрофдаги қурилишлар характеристини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек биноларга қаршиликсиз кириш бўйича талабларни инобатга олиб қабул қилиш лозим. Интерьерлар пардозининг рангини танлашда ГОСТ 14202 ва ГОСТ 12.4.026 ларга мувофиқ иш кўриш лозим.

4.6 Бинонинг умумий майдони барча қаватлар (ер усти, жумладан техник, цоколь ва еости) майдонларининг йигиндиси билан белгиланади, бунга ички майдон доирасида ўлчанган антресоль, ички очиқ жовонларнинг барча қаватлари, рампа, галерея (горизонтал проекцияси) ва бошқа биноларга ўтиш жойлари киради;

Бинонинг умумий майдонига қўйидагилар кирмайди: коммуникацияларга хизмат кўрсатиш учун ўтиш талаб этилмайдиган чиқиб турган конструкцияларнинг тутиб чиқсан қисми остигача 1,8 м дан кам баландликдаги техник ертўлалар майдони, 5.2-бандга асосан лойихалашда хизмат кўрсатиш ходимлари учун коммуникацияларга кириш учун ўтиш жойи назарда тутилиши талаб этилмайдиган осма шифтлар усти, шунингдек кран ости йўллари, кранлар, конвейерлар, монорельслар ва фонарларга хизмат кўрсатиш майдончалари.

Кўп қаватли бино доирасида баландлиги бўйича икки ва кўпроқ қаватларни эгаллаган хоналар (икки ва ундан кўп қават ойнали) майдонини бир қават доирасидаги умумий майдонга қўшиш лозим.

4.7 Бино қаватлилигини белгилашда ҳар қандай белгида бино қавати майдонининг 40% дан ортигини ташкил этган майдончалар, очиқ жовонлар поғоналари ва антресоллар ҳисобга олинади.

4.8 Бинонинг қурилиш ҳажми ± 0.000 белгидан ер усти қисмининг қурилиш ҳажми йигиндиси билан аниқланади. Бинонинг еости ва ерусти қисмларининг қурилиш ҳажми тўсувчи конструкцияларнинг ташки юзаси доирасида бинонинг ҳар бир қисмидаги ёритиш ва аэрацион фонарларини кўшган ҳолда аниқланади.

4.9 Ишлаб чиқариш биносида технологик жараён нормаларида белгиланган микдорда хомашё ва яримфабрикат тарқатиш омборлари (оралиқ омборлари)ни бевосита ишлаб чиқариш биносида очиқ ҳолда ёки түрли түсікілар ортида жойлаштиришга рухсат этилади. Технологик лойиха нормаларида бундай маълумотлар мавжуд бўлмаса, бундай юклар микдори, одатда, смена эҳтиёжининг 1,5 баробаридан кўп бўлмаслиги зарур.

5. ҲАЖМИЙ-РЕЖАВИЙ ВА КОНСТРУКТИВ ЕЧИМЛАР

5.1 Бино ва хоналарнинг ҳажмий-режавий ечимлари ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, технологик жараёнларни ўзгартириш ва маҳсулотнинг янги турларига ўтиш имкониятини таъминлаши керак.

Курилиш конструкциялари эҳтимолий хавфли таъсирларни ҳисобга олган ҳолда мустаҳкам ва ишончли, шунингдек тегишли ҳисоб-китоблар билан тасдиқланган проресив тусга эга емирилишлар ва қулашларга чидамли бўлиши зарур.

5.2 Бир қаватли бинонинг баландлиги (полдан таянчдаги горизонтал кўтариб турувчи конструкцияларнинг қуи қисмигача) 3 м дан кам бўлмаслиги, кўп қаватли бино қаватининг баландлиги (мазкур қаватнинг зина майдони полидан юқори қават зинаси майдони полигача), техник қават баландлигини истисно қилганда, 3,3 м бўлиши керак.

5.3 Хоналарда полдан ораёпма (томёпма) конструкциясининг туртиб чиққан қисмининг остигача 2,2 м дан, одамлар мунтазам ўтиб турувчи жойларда ва эвакуация йўлларидаги полдан коммуникация ва ускуналарнинг туртиб чиққан қисмлари остигача – 2 м дан, одамлар мунтазам ўтмайдиган жойларда – 1,8 м дан кам бўлмаслиги лозим. Автомобилларнинг бино ичига кириши зарурати туғилганда ўтиш баландлиги коммуникация ва ускуналарнинг туртиб чиққан қисмлари конструкцияларининг остигача 4,2 м дан кам бўлмаслиги, ёнгин автомобиллари учун – 4,5 м дан кам бўлмаслиги зарур.

5.4 Оловбардошлиқ даражаси, конструктив ёнгин хавфлилигининг класси, бино баландлиги ва ёнгинга қарши бўлма доирасида қават майдонини 5-жадвал бўйича қабул қилиш лозим.

Ёнгинга қарши бўлма қаватининг майдони бинонинг ташқи деворлари ёки ёнгинга қарши девор билан чегараланган майдони билан белгиланади.

Майдонлар, очиқ жовонлар ва антрессоллар, ҳар қандай белгига хона поли майдонининг 40% дан кўп бўлган майдон мавжуд бўлганда, қават майдони худди 4.5-бандда белгилангани каби кўп қаватли бинолар учун қават сонидан келиб чиқиб белгиланади.

Хоналарни 1-жадвалда кўрсатилган автоматик ёнгин ўчириш қурилмалари билан жиҳозлашда хона майдонини 100% га қўпайтиришга рухсат берилади. оловбардошлиқ даражаси IV ва V бўлган бинолар бундан мустасно.

Күшни қаватлар ораёпмаларида очиқ технологик оралиқлар мавжуд бўлса, ушбу қаватларнинг умумий майдони йифиндиси 1-жадвалда кўрсатилган қават майдонидан ошиб кетмаслиги керак.

В категорияга мансуб бинода В1 категорияли хона мавжуд бўлса, 1-жадвалда кўрсатилган ёнгин бўлмаси доирасида бино баландлиги ва қават майдонини 25% га камайтириш лозим.

1-жадвалда биноларнинг оловбардошлиқ даражаси ва ёнгин хавфилиги синфининг бирикмаси назарда тутилган ҳолатлардаги бино категориялари ва ёнгин карши бўлмалар учун нормалар белгиланган. Мазкур жадвалда кўрсатилмаган бошқа бирикмаларда, қават майдони ва бино баландлиги мазкур категориядаги бинолар учун ушбу кўрсаткичларнинг энг ёмони қабул қилинади ёки ШНҚ 2.01.02 да ўрнатилган тартибда келишилади.

5.5 Оловбардошлиқ даражаси IV ва ёнгиндан хавфилик класси С2 бўлган бир қаватли биноларда умумий майдони 300 m^2 дан кўп бўлмаган А ва Б категорияли хоналарни жойлаштиришга руҳсат этилади. Бунда кўрсатилган хоналар ёнғинга қарши 1-типдаги тўсиқлар ва 3-типдаги ораёпмалар билан ажратилиши лозим. Ушбу хоналардаги ташқи деворларнинг класси К0 ва К1 бўлиши керак.

Оловбардошлиқ даражаси IV, ёнгиндан хавфилик класси С2 ва С3, категорияси А ва Б, майдони 75 m^2 кўп бўлмаган бир қаватли мобил биноларни лойихалаштиришга руҳсат этилади.

5.6 Бир бинода ёки бир хонада портлаш-ёнгин ва ёнгин хавфилиги турлича бўлган технологик жараёнлар жойлаштирилганда портлаш ва ёнгин тарқалишини олдини олиш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилиши лозим. Ушбу чора-тадбирларнинг самарадорлиги ШНҚ 2.01.02 нинг 4.3-бандига биноан лойиханинг технологик қисмida асосланган бўлиши зарур. Агар кўрсатилган чора-тадбирлар самарадорлиги етарли бўлмаса, унда портлаш-ёнгин ва ёнгин хавфилиги турлича бўлган технологик жараёнларни алоҳида хоналарга жойлаштириш керак; бунда турли А, Б, В1, В2, В3 категорияларга мансуб хоналарни бир биридан ажратиш, шунингдек ушбу хоналарни В4, Г ва Д категориядаги хоналардан ва йўлаклардан қуидаги типдаги ёнғинга қарши тўсиқлар ва ёнғинга қарши ораёпмалар билан ажратиш лозим:

оловбардошлиқ даражаси I бўлган биноларда – ёнғинга қарши 1-типдаги тўсиқлар,

2-типдаги ёнғинга қарши ораёпмалар (қаватлар орасидаги ва ертўла устидаги);

оловбардошлиқ даражаси II ва III бўлган биноларда – ёнғинга қарши 1-типдаги тўсиқлар, оловбардошлиқ даражаси IV, ёнгин хавфилик класси С0, С1 биноларда – 2-типдаги, оловбардошлиқ даражаси IV, ёнгин хавфилик класси С2, С3, хона категориялари В1-В3 бўлган биноларда – ёнғинга қарши 2-типдаги тўсиқлар, А ва Б категорияга мансуб хоналар – 7.2-бандга мувофик; 3-типдаги ёнғинга қарши ораёпмалар (қаватлар орасидаги ва ертўла устидаги).

1-жадвал

Бино категория- лари ва ёнгин бўлмалари	Бино баландлиг и*, м	Бинонинг оловбардош лик даражаси	Бинонинг конструктив ёнгиндан хавфлилик класси	Қават майдони, м ² , бинонинг ёнгин бўлмаси чегарасида		
				1 қаватли	2 қаватли	3 ва ундан кўп қаватли
A	36	I, II	C0	Чегара- ланмаган.	5200	3500
	24	III	C0	7800	3500	2600
	-	IV	C0	3500	-	-
Б	36	I	C0	Чегара- ланмаган.	5200	3500
	36	II	C0	Чегара- ланмаган.	10400	7800
	24	III	C0	7800	3500	2600
	-	IV	C0	3500	-	-
В	48	I, II,	C0	Чегара- ланмаган.	25000	10400
	24	III	C0	7800**	5200**	
	18	IV	C0, C1	25000	10400	5200
	18	IV	C2, C3	2600	2000	3600**
	12	V	Норма белгилан- маган.	1200	600***	-
	54	I, II,	C0	Чегараланмаган.		
Г	36	III	C0	Чегара- ланмаган.	25000	10400
	30	III	C1	бу ҳам	10400	7800
	24	IV	C0	"	10400	5200
	18	IV	C1	6500	5200	-
	54	I, II,	C0	Чегараланмаган.		
Д	36	III	C0	Чегара- ланмаган.	50000	15000
	30	III	C1	шу каби	25000	10400
	24	IV	C0, C1	"	25000	7800
	18	IV	C2, C3	10400	7800	-
	12	V	Норма белгилан- маган	2600	1500	-

* Мазкур жадвалда бино баландлиги 1-қават полидан энг юқори қават шифтигача, техник қаватни
қўшиган ҳолда ўлчанади; шифт баландлиги ўзгарувчан бўлса, қаватнинг ўртача баландлиги қабул қилинади.
Ёнгин хавфлилик класси C0 ва C1 бўлган бир қаватли бинолар баландлигига норма белгиланмайди.

** Ёғочни қайта ишилаш корхоналари учун.

*** Рамалар сони 4 тагача бўлган тахта тилиши цехлари, ёғочларга бирламчи ишлов берувчи ёғочни
қайта ишилаш цехлари ва ёғочни майдсалаш станциялари.

5.7 Ертўлага В1-В3 категорияга мансуб хоналар жойлаштирилганда ҳар бири 3000 m^2 дан кўп бўлмаган майдон қисми ёнфинга қарши 1-типдаги тўсиқлар билан ажратилади, бунда ҳар бир қисмнинг эни (ташқи девордан ҳисоблаганд) 30 м дан ошмаслиги зарур. Кўрсатилган хоналар эни камида 0,75 м ва баландлиги камида 1,2 м дераза ва тутун тортиш қурилмаси учун эни камида 0,8 м ва узунлиги 1,8 м бўлган приямкаси билан назарда тутилиши лозим. Деразалар майдонининг йифиндисини хона поли майдонининг камида 0,2% да қабул қилиниши керак. Майдони 1000 m^2 дан кўп бўлган хоналарда камида 2 та дераза назарда тутилиши лозим. Ертўлалар устидаги ораёпмаларнинг оловбардошлиқ чегараси REI 45 дан кам бўлмаслиги зарур.

Йўлаклар эни 2 м дан кам бўлмаслиги ва бевосита ташқарига ёки алоҳида зина катаги орқали чиқиш имконияти эга бўлиши керак. Хоналарни йўлаклардан ажратиб турувчи тўсиқлар ёнфинга қарши 1-типда бажарилиши лозим.

В1-В3 категорияга мансуб хоналари бўлган ертўлалар, ишлаб чиқариш технологияси талабларига кўра, ташқи деворларга тақаб жойлашиши мумкин эмас, уларни ҳар бирини майдоннинг 1500 m^2 дан кўп бўлмаган қисмини ШНҚ 2.04.05 га мувофиқ тутунни чиқариб ташловчи қурилмалари бўлган ёнфинга қарши тўсиқлар билан ажратиш зарур.

5.8 А ва Б категорияга мансуб хоналарга барча турдаги локомотивларнинг, В1-В3 категориядагиларга ва конструкциялар билан қопланган К2 ва К3 классига мансуб хоналарга паровоз ва тепловозларнинг кириши назарда тутилмаслиги лозим,

5.9 А ва Б категорияларига мансуб хоналардаги барча қаватлар лифтларининг олдида доимий равишда ҳаво бериб туриладиган 1-типдаги тамбур-шлюзлар назарда тутилиши керак. А ва Б категорияларига мансуб бинолар лифтларининг машина бўлимларида ШНҚ 2.04.05 га мувофиқ доимий ҳаво бериб турилиши, шунингдек йўловчиларни эвакуация қилиш учун UPS қурилмаси назарда тутилиши зарур.

5.10 Енгил аланталанувчи, ёнувчи ва заҳарли суюқликлари бўлган аппаратлар, қурилмалар ва ускуналар ўрнатилган ораёпмалар ва технологик майдонларнинг участкалари ёнмайдиган материаллардан ясалган боши берк бортларга ёки тагликларга эга бўлиши лозим. Борт баландлиги ва бортлар ёки тагликлар оралиғидаги майдон лойиханинг технологик қисмida белгиланади.

5.11 Г3 ва Г4 гурухларига мансуб материаллардан ясалган ёруғлик ўтказувчи элементли зенит фонарларини, факат оловбардошлиқ даражаси I, II ва III, ёнгин хавфлилиқ класи СО бўлган биноларда, ёнгин хавфлилиги НГ И Г1 бўлган материаллардан ясалган қопламали В4, Г ва Д категориядаги хоналарда ва майда шағалдан ҳимоя қопламаси бўлган ўрамли толь билан ёпилган хоналарда қўллашга рухсат этилади. Бундай фонарларнинг ёруғлик ўтказувчи элементларининг умумий майдони умумий қопламали майдоннинг

15% дан ошмаслиги керак, хар бир фонар оралиғининг майдони (ёруғлик ўтказувчи элементнинг солиштирма оғирлиги $20 \text{ кг}/\text{м}^2$ дан кўп бўлмаганда) 12 м^2 дан кўп бўлмаслиги лозим ва ёруғлик ўтказувчи элементнинг солиштирма оғирлиги $10 \text{ кг}/\text{м}^2$ дан кўп бўлмаганда хар бир фонар оралиғининг майдони 18 м^2 дан кўп бўлмаслиги лозим. Бунда ўрамли толь майда шағалдан ҳимоя қопламали бўлиши керак.

Ушбу фонарлар ўртасидаги масофа, оралиқлар майдони 6 дан 18 м^2 гача бўлганда, 6 м дан ва оралиқлар майдони 6 м^2 гача бўлганда эса, фонарлар ўртасидаги масофа 3 м дан кам бўлмаслиги лозим.

Фонарлар бир гурухга йигилганда улар бир дона фонарь сифатида қабул қилинади ва унга нисбатан барча кўрсатилган чекланишлар тегишли бўлади.

Г3 ва Г4 гурухларига мансуб материаллар билан тўлдирилган ёруғлик ўтказувчи зенит фонарлари оралиғида бино қопламасининг бўйлама ва кўндаланг йўналиши бўйича хар 54 м да эни 6 м дан кам бўлмаган узилишлар ташкил қилиниши керак. Ёнфинга қарши девордан кўрсатилган зенит фонарларигача бўлган масофа горизонтал бўйича 5 м дан кам бўлмаслиги лозим.

5.12 Ўт ўчириш бўлинмалари ўтиши учун мўлжалланган 3-типдаги зиналарнинг эни 0,7 м дан кам бўлмаслиги керақ.

5.13 Технология шартлари бўйича ҳаво муҳити кўрсаткичларини бир маромда ушлаб турилиши талаб этиладиган бино ва хоналарда муҳандислик ускуналари ва коммуникациялари жойлаштиришда қуидагиларни назарда тутишга рухсат этилади:

осма шифтлар ва фальшполлар – бунда коммуникацияларга хизмат кўрсатувчи ходимлар учун ўтиш йўлларини кўзда тутиш талаб этилмайди. Кўрсатилган коммуникацияларга хизмат кўрсатиш учун люк ва вертикал темир нарвонларни лойиҳалашга рухсат этилади;

техник қаватлар – технология шартларига кўра мазкур қаватларда жойлашган муҳандислик ускуналар, коммуникациялар ва ёрдамчи технологик курилмаларга хизмат кўрсатиш учун баландлиги 5.2 бандга мувофиқ бўлган ўтиш йўлларини куриш талаб этилади.

5.14 Бино ичига темир йўлни олиб киришни, 7.5-банд талабларини ҳисобга олган ҳолда, лойиҳанинг технологик қисмига мувофиқ амалга ошириш рухсат этилади.

5.15 Темир йўл рельси каллакларининг юқори қисми тоза пол белгисида бўлиши зарур.

5.16 Ишлаб чиқариш биноларида жойлашадиган хомашё, яримфабрикат ва тайёр маҳсулот омборлари, шунингдек юк платформалари (рампалар)ни ШНҚ 2.09.12 талабларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш лозим.

5.17 Баландлиги 15 м дан юқори бўлган кўп қаватли биноларда ернинг режавий белгисидан энг юқори қават тоза поли белгисигача бўлган (техник қаватни ҳисобга олмаганда) ва 15 м дан юқори белгида доимий иш жойи ва ускуналар мавжуд бўлиб, уларга сменада уч мартадан кўп хизмат кўрсатиш керак бўлса, йўловчи лифтлар кўзда тутилиши лозим. Юк ташувчи лифтлар “Лифтларнинг тузилиши ва уларни хавфсиз ишлатиш қоидалари” ва лойиханинг технологик қисми талабларини ҳисобга олган ҳолда назарда тутилиши керак.

Лифтларнинг сони ва юк кўтариш имкониятини йўловчилар ва юк оқимидан келиб чиқиб қабул қилиш лозим. 15 м дан баландда жойлашган барча қаватларда ишловчилар сони (энг кўп одам ишлайдиган смена ҳисобидан) 30 нафардан кўп бўлмаган бинолар учун битта лифт назарда тутилади.

Бинонинг иккинчи ва ундан юқори қаватларида аравача-креслодан ва қўлтиқ-таёқдан фойдаланадиган ногиронлар мавжуд бўлиб, биринчи қаватда улар учун иш жойи ташкил қилишнинг имконияти бўлмаса, бинода йўловчи лифт назарда тутилиши зарур. Лифт кабинаси ўлчамлари қуидагилардан кам бўлмаслиги шарт:

эни – 1,1 м, чуқурлиги – 2,1 м, эшик ўрнининг кенглиги – 1,5 м.

5.18 Ертўладан чиқишлиар кўтарма-транспорт ускуналарининг ишлаш зонасидан ташқарида бўлиши зарур.

5.19 Тамбурлар ва тамбур-шлюзлар энини ораликлар энидан 0,5 м дан кам бўлмаган ҳолда (ораликнинг ҳар бир томонидан 0,25 м дан) қабул қилиш лозим, чуқурлиги эса – эшик ёки дарвоза энидан камида 0,2 м дан каттароқ, лекин 1,2 м дан ошмаган бўлиши лозим. Аравача-креслодан ва қўлтиқ-таёқдан фойдаланадиган ишловчи ногиронлар мавжуд бўлса, тамбур ва тамбурушлюзлар чуқурлигини 1,8 м дан кам бўлмаган қилиб қабул қилиш керак.

5.20 А ва Б категорияларга мансуб биноларда енгил олиб (ечиб) қўйиладиган тўсувчи конструкциялар кўзда тутилиши лозим.

Енгил олиб қўйилувчи конструкциялар сифатида, одатда, дераза ойналари ва фонарлардан фойдаланилади. Ойнабанд майдон етарли бўлмаганда енгил олиб қўйиладиган конструкциялар сифатида пўлат, алюминий ва асбестцемент листлар билан қопланган конструкциялар ва совук ўтказмайдиган материаллардан фойдаланишга рухсат этилади. Енгил олиб қўйиладиган конструкциялар майдони ҳисоб-китоб қилиш орқали аниқланиши лозим. Ҳисоб-китоб маълумотлари мавжуд бўлмаса, енгил олиб қўйиладиган конструкциялар майдони А категорияга мансуб бино учун 1 m^3 ҳажмга камида $0,05 \text{ m}^2$, В категорияга мансуб бино учун камида $0,03 \text{ m}^2$ ни ташкил этиши керак.

Изоҳ:

Ойнасининг қалинлиги 3, 4 ва 5 мм ва майдони мос равища 0,8, 1 ва $1,5 \text{ m}^2$ дан кам бўлмаса, дераза енгил олиб қўйиладиган конструкциялар қаторига киради. Армирланган ойна енгил олиб қўйиладиган конструкциялар қаторига кирмайди.

Енгил олиб қўйиладиган конструкциялар қопламаси учун ўрамли гиламни ҳар бир картаси 180 m^2 дан катта бўлмаган ўлчамда қиркиш лозим.

Енгил олиб қўйиладиган конструкциялар қопламаси оғирлигидан тушадиган хисобланган юклама $0,7\text{ kPa}$ (70 кгс/m^2) дан кўп бўлмаслиги керак.

5.21 Юк кўтариш кранларига хизмат кўрсатиш учун галерея, майдончалар ва зиналар Давлат Саноат хавфсизлиги қўмитаси томонидан тасдиқлаган “Юк кўтариш кранларининг тузилиши ва уларни хавфсиз ишлатиш қоидалари” га мувофиқ лойиҳалаштирилиши зарур.

5.22 Деразалар ва фонарлар ойналарини таъмирлаш ва тозалаш учун, кўчма ёки қўлда ташиладиган мосламалар (қўшимча нарвон, майдонча, телескопик кўтаргич)дан фойдаланиш технологик ускуналарни жойлаштириш шартларига ёки бинонинг умумий баландлигига кўра мумкин бўлмаса, мазкур ишларни хавфсиз бажарилишини таъминлайдиган стационар қурилмалардан фойдаланиш кўзда тутилиши зарур. Ушбу қурилмаларнинг кўлланиши лойиҳанинг технологик қисмида асосланган бўлиши керак.

5.23 Фонарлар ва уларнинг турлари (зенит, П-кўринишдаги, нурли, аэрацион ва бошқалар) лойиҳа билан технологик жараёнларнинг хусусиятлари, санитария-гигиеник ва экологик талабларга мувофиқ қурилиш худудининг иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

5.24 Фонарлар шамолдан ҳимоя қилинган бўлиб, уларнинг узунлиги 120 m дан ошмаслиги керак. Фонарлар ён томонлари орасидаги ва фонарь билан ташқи девор орасидаги масофа 6 m дан кам бўлмаслиги лозим. Фонарлар табақаларини очиш механик тарзда (хоналардан чиқишдаги механизм ишга туширилиши билан) амалга оширилиб, шунингдек қўл билан бошқарув билан такрорланиши керак.

5.25 Зенит фонарларининг листланган силикатдан ясалган ойна, ойнапакет, профилли ойнадан ясалган ҳимоя қобигини ўрнатишида, шунингдек тўғри бурчакли нурли аэрацион фонарларнинг ички томонидан ойна ўрнатишида металл тўрли ҳимоя қурилмаларини назарда тутиш керак.

5.26 Ички тарновларига эга бўлган бинолар томларида тўсиқлар сифатида панжара (парапет)дан фойдаланишга йўл қўйилади. Панжаранинг баландлиги $0,6\text{ m}$ дан кам бўлганда қўшимча тўрли тўсиқ билан том юзасидан $0,6\text{ m}$ баландликкача кўтарилади.

5.27 Дарвозаларни масофадан туриб ва автоматик тарзда очилишида уларни ҳар қандай ҳолатда қўл ёрдамида ҳам очилиши таъминланган бўлиши шарт. Дарвоза ички ўлчамларини ер усти транспортлари учун транспорт воситалари габаритларидан баландлиги бўйича камида $0,2\text{ m}$ (юкли ҳолатда) ва энига $0,6\text{ m}$ дан каттароқ қилиб қабул қилиниши зарур.

5.28 Зина катакларидағи маршларнинг нишабларини зина эни $0,3\text{ m}$ бўлганда камида $1:2$ қабул қилиш лозим; ертўла ва чордоқлар учун маршларнинг нишабларини зина эни $0,26\text{ m}$ бўлганда $1:1,5$ қабул қилишга рухсат этилади.

5.29 Ички тарафи очик бўлган (зина катаклари деворлари мавжуд бўлмаганда) зиналар нишаби 1:1 дан кўп бўлмаслиги зарур. Очик бўлган зиналар нишаблигини бир ўринли иш жойига ўтиш учун 2:1 гача оширишга рухсат этилади. 10 м гача бўлган баландликдаги ускуналарни кўрикдан ўтказиш учун эни 0,6 м бўлган вертикал зиналарни лойиҳалашга йўл қўйилади.

5.30 Таянч-харакат аппарати бузилган ишловчи ногиронлар мавжуд бўлганда эвакуация йўлидаги зиналарнинг нишаблиги 1:2 дан кўп бўлмаслиги шарт.

5.31 Баландлиги ернинг режавий белгисидан карнiz ёки панжара тепасигача 10 м ва ундан ортиқ бўлган бинолар учун томга чиқиш учун (хар бир тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган 40000 m^2 томёпма учун) битта чиқиш йўли лойиҳалаштирилиши лозим, шу жумладан:

бир қаватли бинолар учун – ташқи очик пўлат нарвон;

кўп қаватли бинолар учун – зина катакларида қурилган нарвон.

Агар томга чиқиш учун юқори қават баландлиги доирасида зина катаклари бўлиши мақсадга мувофиқ бўлмаса, бино баландлиги ернинг режавий белгисидан юқори қаватнинг тоза полигача 30 м дан кўп бўлмаган биноларда зина майдончаси орқали зина катакларидан томга чиқиш учун ташқи очик пўлат нарвон лойиҳалаштиришга рухсат этилади.

5.32 Турли категорияларга мансуб хоналарни бинолар ичига жойлаштириш ва уларни бир биридан ажратиш, эвакуация йўллари ва чиқиш жойларига бўлган талаблар, тутункетказгич, шлюзлар, тамбур-шлюзлар, зина катаклари ва зиналар, томга чиқиш жойлари лойиҳалаш нормалари талабларига мувофиқ қабул қилиниши лозим.

Оловбардошлиқ даражаси I ва II, конструктив ёнғин хавфлилик класси СО бўлган бир қаватли биноларда зарур ҳолларда 1-типдаги ёнғинга қарши тўсиқлар билан ўралган ва ёнғин ҳолатида ҳаво билан таъминлаб турадиган эвакуация йўлакларини қуришга рухсат этилади. Бунда эвакуация йўли узунлинини хисоблашда йўлак узунлиги ҳисобга олинмайди.

6. БИНО ВА ХОНАЛАРДАН ЭВАКУАЦИЯ ҚИЛИШ

6.1 Куйидагилар камида иккита эвакуация чиқиш йўлларига эга бўлиши керак:

энг кўп ишчи ишлайдиган сменада ходимлар сони 5 дан ортиқ бўлса – А ва Б категорияларига мансуб хоналар. Ишчилар сони 25 дан ортиқ ёки майдони 1000 m^2 дан ортиқ бўлса – В категориясига мансуб хоналар;

ускуналарга хизмат кўрсатишга мўлжалланган очик жовонлар ва майдончалари бўлиб, ярус майдони 100 m^2 дан кўп бўлган А ва В категорияларига мансуб хоналар ва ярус майдони 400 m^2 дан кўп бўлган бошқа категорияларга мансуб хоналар;

Энг кўп ишчи ишлайдиган сменадаги ходимлар сони 5 дан ортиқ бўлганда А ва Б категорияли қаватларда ва ишчилар сони 25 бўлган

В категорияли қаватларда камида иккитадан эвакуацион чиқиш жойлари бўлиши шарт.

Эвакуация қилинаётганлар сони 50 кишидан кўп бўлганда эвакуацион чиқиш жойларининг ички ўлчами 1,2 м дан кам бўлмаслиги лозим.

6.2 Агар А, Б ва В1 категорияларга мансуб хоналарда тез алангаланадиган суюқликлар ишлаб чиқарилса, ишлатилса ёки сақланса, хоналарнинг полларини ёнмайдиган ёки ёнувчанлик гурухи Г1 бўлган материаллардан ишлаш зарур.

6.3 50 кишидан ортиқ одам эвакуация қилиниши мумкин бўлган горизонтал участкалардаги эвакуация йўллари ва пандусларининг ички ўлчамлари умумий йўлак учун камида 1,2 м бўлиши лозим.

6.4 А ва Б категорияларига мансуб биноларда Л1 типидаги зина катакларини қуришда А ва Б хоналардан қаватлар йўлакларига чиқишида доимий ҳаво бериб туриладиган тамбур-шлюзлар назарда тутилиши керак.

6.5 Оловбардошлиқ даражаси IV ва V, конструктив ёнғин хавфлилиқ класси С2 ва С3 бўлган биноларда эвакуацион чиқишилар ишлаб чиқариш хоналари орқали ўтишига йўл қўйилмайди.

А ва Б категорияларига мансуб хонага хизмат кўрсатишга мўлжалланган, муҳандислик ускунаси бўлган, доимий иш жойисиз ва А ва Б категорияларига мансуб хона орқали битта эвакуация чиқиш жойига эга бўлган хонанинг энг узок нуқтасигача бўлган масофа 25 м дан ошиб кетмаслиги шарт.

В, Г ва Д категорияларига мансуб хонадан чиқадиган эвакуация йўллари ўз ичига А ва Б категорияларига мансуб хоналар тамбур-шлюзлари орқали ўтадиган участкани кўшмаслиги керак.

6.6 Баландлиги тўрт қаватдан юқори бўлмаган В4, Г, ва Д категорияларига мансуб туташ қурилган ва мажуд бино ичига қурилган қурилмалар ичида жойлашган хоналарнинг зина катагидан эвакуацион чиқишилари, улар туташ қурилган ва мажуд бино ичига қурилган қурилмаларнинг икки томонида жойлашган бўлса (агар туташ қурилган ва мажуд бино ичига қурилган қурилмалар бинони изоляцияланган қисмларга ажратса), В4, Г, ва Д категорияларига мансуб хоналар орқали ташкил этилиши мумкин.

6.7 Оловбардошлиқ даражаси I, II, III ва IV, ёнғин хавфлилиқ класси СО ва С1 бўлган биноларнинг антресоллари ва туташ қурилган (мажуд бино ичига қурилган) қурилмаларларда, шунингдек доимий иш жойи мавжуд бўлмаган ва бинонинг муҳандислик ускуналари жойлашиши учун мўлжалланган, оловбардошлиқ даражаси IV, ёнғин хавфлилиқ класси С2 ва С3 бўлган бир қаватли мобил бинолар антресолларида жойлашган В4, Г ва Д категорияли хоналаридан эвакуацион чиқишиларни В, Г ва Д категорияли хоналарда жойлашган ёнмайдиган материалдан ясалган 2-типдаги зиналар назарда тутилишига рухсат этилади. Бунда муҳандислик ускуналари жойлашган хонанинг энг узок нуқтасидан бинонинг эвакуацион чиқишигача бўлган

масофа 2-жадвалда берилган қийматлардан ошмаслиги зарур. Хонанинг энг узоқ нүктасидан зинаға чиқиш жойигача бўлган масофа 25 м дан ошмайдиган, ёнмайдиган материаллардан ясалган 2- ва 3-типдаги зинали ушбу хоналардан чиқишида битта чиқиш жойини ташкил қилишга рухсат этилади.

6.8 Баландлиги 25 м гача бўлган (ШНҚ 2.1.02) биноларда, агар ҳар бир қаватда (биринчи қаватдан ташқари) сменада энг кўп ишловчиларнинг сони қуидагилардан ошмаса:

15 кишидан – ҳар қандай категорияли хоналари бўлган кўп қаватли биноларда;

50 кишидан – В1-В3 категорияли хоналари бўлган икки қаватли биноларда;

100 кишидан – шу каби, В4, Г ва Д категорияларига мансуб биноларда 3-типдаги зиналардан иккинчи эвакуацион чиқиш сифатида фойдаланиш мумкин.

6.9 7.4-бандга мувофиқ бажарилган ертўланинг ҳар бир қисмида зина иккита эвакуацион чиқишлар назарда тутилиши зарур.

6.10 Хонадаги энг узоқ иш жойидан бевосита хонадан ташқарига ёки зина катагига чиқадиган энг яқин эвакуацион чиқишгача бўлган масофа 2-жадвалда белгиланган қийматдан ошмаслиги керак. Майдони 1000 m^2 дан кўп бўлган хоналар учун 2-жадвалда белгиланган масофага ташқарига ёки зина катагигача бўлган йўлак узунлиги хам қўшилади.

Агар хонадан эвакуацион чиқиш йўлакка, ташқарига ёки зина катагига қўшни хона орқали олиб чиқса, унда ушбу хонадаги энг узоқ иш жойидан қўшни хонадан чиқишгача бўлган масофа қўшни хоналардан бирининг энг хавфли категорияси бўйича қабул қилинади.

Одамлар оқимининг зичлиги умумий ўтиш жойидан эвакуация қилинаётган одамлар сонининг мазкур ўтиш жойи майдонига нисбати билан аниқланади.

А ва Б категорияларига мансуб хоналар учун масофалар енгил алангаланувчи ёки ёнувчи суюқликлар тўкиладиган 50 m^2 га тенг майдонни ҳисобга олган ҳолда белгиланган; 1-жадвалда кўрсатилган тўкилиш майдонининг бошқа қийматларида масофа 50/F коэффицентига кўпайтирилади, бунда F – лойиҳанинг технологик қисмида аниқлаб бериладиган суюқлик тўкилиши мумкин бўлган майдон.

Хона хажмининг оралиқ қийматларида масофа чизикли интерполяция билан аниқланади.

Масофа баландлиги 6 м гача бўлган хоналар учун белгиланган (бир қаватли бинолар учун баландлик ферма пастигача қабул қилинади); хона баландлиги 6 м дан кўп бўлса, масофа қуидагича узаяди: хона баландлиги 12 м бўлганда 20% га, 18 м бўлса – 30% га, 24 м бўлса – 40% га, лекин А, Б категорияларига мансуб хоналар учун 140 м дан ва В категория учун 240 м дан кўп бўлмаслиги керак; Хона баландлигининг оралиқ қийматларида масофа узайиши чизикли интерполяция билан аниқланади.

1-4-жадвалларда бино категориялари ва ёнғин бўлмалари учун бинонинг ёнғинбардошлиқ даражаси ва ёнғин хавфлилигининг класси мужассамлигида назарда тутилган нормалар белгиланган.

Жадвалда кўзда тутилмаган бошқа мужассамликларда масофа ва одамлар сони мазкур категориядаги хоналар учун ушбу кўрсаткичлардан энг ёмони қабул қилинади ёки ШНҚ 2.01.02 да кўрсатилган тартибда келишилади.

6.11 Ички очик жавонлар ва майдончалар, одатда, камида иккита очик пўлат нарвонга эга бўлиши зарур. А ва Б категорияларга мансуб хоналар учун полнинг майдони 108 m^2 , В1-В4, Г ва Д категорияларига мансуб хоналар учун полнинг майдони 400 m^2 дан ошмаса фақат битта нарвонни лойиҳалаштиришга рухсат этилади.

Майдонча ва очик жавонда энг узоқ нуқтадан бинодан чиқишидаги энг яқин эвакуацион чиқишигача бўлган масофани 2-жадвал бўйича 2-типдаги зина йўли узунлигини хисобга олган ҳолда қабул қилиш лозим.

2-жадвал

Хона ҳажми, минг.м3	Хона категорияси	Бинонинг оловбардошлиқ даражаси	Бинонинг конструктив ёнғин хавфлилик класси	Умумий ўтиш жойидаги одамлар оқимининг зичлиги, одам/ m^2 , бўлгандаги масофа, м,		
				1 гача	1 дан 3 гача	3 дан 5 гача
15 гача	A, Б	I, II, III, IV	C0	40	25	15
	B1-B3	I, II, III, IV III, IV, V	C0 C1 C2, C3	100 70 50	60 40 30	40 30 20
30	A, Б	I, II, III, IV	C0	60	35	25
	B1-B3	I, II, III, IV III, IV	C0 C1	145 100	85 60	60 40
40	A, Б	I, II, III, IV	C0	80	50	35
	B1-B3	I, II, III, IV III, IV	C0 C1	160 110	95 65	65 45
50	A, Б	I, II, III, IV	C0	120	70	50
	B1-B3	I, II, III, IV III, IV	C0 C1	180 160	105 95	75 65
60 ва ундан ортиқ	A, Б	I, II, III, IV	C0	140	85	60
	B1-B3	I, II, III, IV III, IV	C0 C1	200 180	110 105	85 75
80 ва ундан ортиқ	B1-B3	I, II, III, IV III, IV	C0 C1	240 200	140 110	100 85
Ҳажмидан қатъи назар	B4, Г	I, II, III, IV III, IV V	C0 C1 Меъёрланмаган	Чекланмаган 160 120	Чекланмаган 95 70	Чекланмаган 65 50
Шу каби	Д	I, II, III, IV IV, V	C0, C1 C2, C3	Чекланмаган 160	Чекланмаган 95	Чекланмаган 65

Майдончалар ва очик жавонларнинг майдони ҳар қандай белгига қават майдонидан 40% га кўп бўлиб, уларда доимий иш жойлари мавжуд бўлса, эвакуацион чиқишиларни зина катаклари орқали ташкил этилиши зарур.

Эвакуацион чиқиши йўлларининг бирида З-типдаги зина назарда тутилишига рухсат этилади.

6.12 Оловбардошлик даражаси IV, ёнғин хавфлилик класси С2 ва С3 бўлган бир ёки икки қаватли бинонинг энг узоқ иш жойидан энг яқин эвакуацион чиқишигача бўлган масофани қуйида келтирилган кўрсаткичлардан кўпроқ қабул қиласлик лозим:

B1-B3 категорияларга мансуб хоналари бўлган бир қаватли биноларда – 50 м, B4, Г ва Д категориялар учун – 80 м;

B1-B3 категорияларга мансуб хоналари бўлган икки қаватли биноларда – 40 м, B4, Г ва Д категориялар учун – 60 м;

Агар хоналар ичида ускуналар билан банд бўлмаган пол майдони, энг кўп ишчи ишлайдиган сменада ҳар бир ишчига 75 m^2 ва ундан ортиқни ташкил этса, кўрсатилган масофаларни 50% га оширишга рухсат этилади.

B1-B4, Г, ва Д категорияли хоналари бўлган бир қаватли биноларда кўрсатилган масофани саклашнинг имконияти бўлмаса эвакуацион чиқишиларни бино ташқи периметрининг ҳар 72 м га жойлаштириш зарур.

Иккинчи қаватдан эвакуация қилинаётган одамлар сонидан келиб чиқиши маршининг эни, шунингдек эшик, йўлак ёки эвакуация йўлига ўтиш жойларининг эни 100 кишига 0,6 м ҳисобидан қабул қилиниши, лекин 0,85 м дан кам бўлмаслиги керак.

6.13 Эшикдан йўлак бўйича 1000 m^2 дан кўп бўлмаган майдонга эга бўлган энг узоқ хона эшигидан, то ташқарига ёки зина катагигча энг яқин чиқишигача масофа 3-жадвалда кўрсатилган қийматдан ошмаслиги керак.

Бир қаватда турли категорияга мансуб хоналар жойлаштирилганда, энг узокдаги хона эшигидан ташқарига чиқиши жойигача ёки энг яқин зина катагигача бўлган масофа хавфлиликнинг юқорироқ категорияси бўйича белгиланади.

Йўлакдаги одамлар оқимининг зичлиги хонадан йўлакка эвакуация қилинаётган одамлар сонининг ушбу йўлак майдонига нисбати билан аникланади, бунда хонадан умумий йўлакка очиладиган эшиклар учун умумий йўлакнинг эни:

эшик бир томонлама жойлаштирилганда – эшик табакаси энининиг ярмигача;

эшик икки томонлама жойлаштирилганда – эшик табакасининг энигача камайтириб қабул қилинади.

6.14 Хоналардаги эвакуация чиқиши (эшиги)нинг эни, ушбу эшик орқали эвакуация қилинадиган одамлар умумий сонига, 4-жадвалда белгиланган 1 м чиқиши (эшик) энига тўғри келадиган одамлар сонига қараб, лекин агар ишловчилар ичида таянч-харакат аппарати бузилган одамлар мавжуд бўлса 0,9 м дан кам бўлмаган тарзда қабул қилиш лозим.

3-жадвал

Чиқиш эшигининг жойлашуви	Хона категорияси	Бинонинг оловбар- дошлик даражаси	Бинонинг конструктив ёнгин хавфлилиги	Йўлакдаги одамлар оқимининг зичлиги қуийдагича бўлганда, одам/ m^2 йўлакдан ташқарига чиқиши жойигача ёки энг яқин зина катагигача бўлган масофа, м,			
				2 гача	2 дан 3 гача	3 дан 4 гача	4дан 5 гача
Ташқарига ёки зина катагига иккита чиқиш оралиғида	A, Б	I, II, III, IV	C0	60	50	40	35
	B1-B3	I, II, III, IV III, IV меърлан- маган	C0 C1 C2, C3	120 85 60	95 65 50	80 55 40	65 45 35
		I, II, III, IV III, IV меърлан- маган	C0 C1 C2, C3	180 125 90	140 100 70	120 85 60	100 70 50
Боши берк йўлакка	Категория- сидан қатъи назар	I, II, III, IV III, IV меърлан- маган	C0 C1 C2, C3	30 20 15	25 15 10	20 15 10	15 10 8

4-жадвал

Хона ҳажми, минг. m^3 ³	Хона категорияси	Бинонинг оловбардошлик даражаси	Бинонинг конструктив ёнгин хавфлилик класси	1 м эвакуацион чиқиш (эшик) энига тўғри келадиган одамлар сони, киши	
15 гача	A, Б	I, II, III, IV	C0	45	
	B1-B3	I, II, III, IV III, IV меърланмайди	C0 C1 C2, C3	110 75 55	
30	A, Б	I, II, III, IV	C0	65	
	B1-B3	I, II, III, IV III, IV	C0 C1	155 110	
40	A, Б	I, II, III, IV	C0	85	
	B1-B3	I, II, III, IV III, IV	C0 C1	175 120	
50	A, Б	I, II, III, IV	C0	130	
	B1-B3	I, II, III, IV III, IV	C0 C1	195 135	
60 ва ундан кўп	A, Б	I, II, III, IV	C0	150	
	B1-B3	I, II, III, IV III, IV	C0 C1	220 155	
80 ва ундан кўп	B1-B3	I, II, III, IV III, IV	C0 C1	260 220	
Ҳажмидан қатъи назар	B4, Г	I, II, III, IV III, IV меърланмайди	C0 C1 C2, C3	260 180 130	
Шу каби	Д		Меърланмайди		

Хона ҳажмининг оралиқ қийматларида чиқишнинг 1 м энига тўғри келадиган одамлар сони интерполяция йўли билан аниқланади.

Баландлиги 6 м бўлган хонадан эвакуацион чиқиш (эшик)нинг 1 м энига тўғри келадиган одамлар сони: бино баландлиги 12 м бўлганда 20% га, 18 м да – 30% га, 24 м да – 40% га кўпаяди; хона баландлигининг оралиқ қийматларида чиқишнинг 1 м энига тўғри келадиган одам сонининг кўпайиши интерполяция йўли билан аниқланади.

6.15 Йўлакдан ташқарига ёки зина катагига эвакуацион чиқиш (эшик)нинг эни, ушбу чиқиш орқали эвакуация қилинувчи одамларнинг умумий сонига, шунингдек 5-жадвалда белгиланган чиқиш (эшик)нинг 1 м энига тўғри келадиган одамлар сонига қараб, лекин 0,8 м дан кам, агар таянч-харакат аппарати бузилган ногирон ишловчилар мавжуд бўлса – 0,9 м дан кам бўлмаган тарзда қабул қилиш лозим.

5-жадвал

Йўлакка чиқувчи ёнгин хавфлилиги энг юқори хона	Бинонинг оловбардошлиқ даражаси	Бинонинг конструктив ёнгин хавфлилик класси	Йўлакдан эвакуацион чиқиш (эшик)нинг 1 м энига тўғри келадиган одамлар сони, киши*
A, Б	I, II, III, IV	C0	85
B1-B3	I, II, III, IV	C0	175
	IV меъёrlанмайди	C1	120
		C2, C3	85
B4, Г, Д	I, II, III, IV	C0	260
	IV меъёrlанмайди	C1	180
		C2, C3	130

Корхонада таянч-харакат аппарати бузилган ногирон меҳнатидан фойдаланиш мумкин бўлган бошка турдаги ишлар мавжуд бўлса эвакуацион чиқиш кўрсаткичлари 25% га кўпаяди.

6.16 Таянч-харакат аппарати бузилган ногирон ишловчилар мавжуд бўлгандага зина маршининг эни 1,2 м дан кам бўлмаган қилиб қабул қилиш керак.

6.17 2-типпдаги Н2 тутамайдиган зина катаклари Г ва Д категорияли биноларда баландлик бўйича ҳар 30 м да ва В категорияга мансуб биноларда (зина катаги ҳажмидан ташқари зина катагининг бир қисмидан бошка қисмига ўтган ҳолдаги) ҳам 20 м да икки марш баландликкача ёнфинга қарши берк парdevор билан ажратилиши керак.

6.18 Хона ва йўлакларда ёнгин хавфсизлиги чоралари бўйича ШНҚ 2.04.05 га мувофиқ тутун кетказгичлар назарда тутилиши лозим.

6.19 Тутун кетказгичлар ҳисобини бажаришда инобатга олинадиган зенит фонарлари қоплама майдони бўйича бир текисда жойлашган бўлиши керак.

МУНДАРИЖА

1. ҚҰЛЛАНИШ СОҲАСИ	3
2. НОРМАТИВ ҲАВОЛАЛАР	3
3. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР.....	5
4. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР	6
5. ҲАЖМИЙ-РЕЖАВИЙ ВА КОНСТРУКТИВ ЕЧИМЛАР.....	8
6. БИНО ВА ХОНАЛАРДАН ЭВАКУАЦИЯ ҚИЛИШ.....	15

